
ФАРҒОНАЛИК БИР ГУРУҲ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАР “МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ ҲАМДА “КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ” МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР

“Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ҳамда “Ёшлар куни муносабати билан юртимизнинг фаол ва ташаббускор ёш авлод вакилларида бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Президент фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси (Фарғона вилояти) Махмудов Содиржон Абдуллажон ўғли ва Фарғона политехника институтининг таянч докторанти Ўлмасов Аҳаджон Акрамжон ўғли “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан;

Сўх тумани “Сариканда” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси Хасанов Хайитбой Хисенжонович ва Риштон туманидаги “Холиқов Йўлчибой” фермер хўжалиги бошлиғи Холиқова Гулираъно Юлчибой қизи “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирландилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-28 09:56:47